

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ


№ 9 (118)
2022

ISSN 2181-6514

WWW.ITM.UZ


ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ОБЩЕСТВЕННЫЙ ЖУРНАЛ



СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ
ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПЦИЙ ОБРАЗОВАНИЯ И ЭТИКИ ВОСПИТАНИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ КОНЦЕПЦИЯЛАР ТАРИХИ
ИСТОРИЯ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И ВОСПИТАТЕЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ
- ✓ КАСБИЙ ТАЪЛИМ
ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ
ДИСТАНЦИОННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ КАСБГА ЙЎЛЛАШ
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ
- ✓ ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ
ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ
- ✓ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ
НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ
- ✓ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ
- ✓ ОИЛА ВА МАКТАБ
СЕМЬЯ И ШКОЛА
- ✓ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ
ДОШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ



Журнал Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти нашри.

Журнал Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда нашр этилмоқда.

МУНДАРИЖА СОДЕРЖАНИЕ

№ 9 (118), 2022

ТАЪЛИМ ПСИХОЛОГИЯСИ / ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ПСИХОЛОГИЯ

Саидов Б.О. Сафарбарликни таъминлашда ўқувчи-ёшлар ватанпарварлигини шакллантириш – долзарб ижтимоий-психологик муаммо сифатида

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ / НЕПРЕРЫВНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Тожибоева Д. Институционал иқтисодиётда инсон модели баркамолликка интилишининг асоси сифатида

ОЛИЙ ТАЪЛИМ / ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Нажмудинов Х.Г. Сиртқи курсларда талабаларни ўқитиш сифатини ошириш йўллари ва воситалари

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ / ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ

Закирова Ф.М. Методические аспекты разработки образовательного веб-квеста

Қаюмова Г.А. "Kompyuter grafikasi" fani bo'yicha asosiy tushunchalarning fanlararo fraktal va tashkiliy bazasi, talabalarining o'zlashtirish natijalarini diagnostika qilish usuli

Safarov T.N., Ismoilov D.I-u. Noyevklid geometriyasida aylanma sirtlarni o'rganish metodikasi

МАКТАБ ТАЪЛИМИ / ШКОЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ

Султанов Х.Э. Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА САЛОМАТЛИК / ФИЗИЧЕСКАЯ КУЛЬТУРА И ЗДОРОВЬЕ

Nazarov D.B. Yosh sambochilarda vujudga keladigan salbiy motivlar psixoprofilaktikasi

ТАЪЛИМ МЕНЕЖМЕНТИ / МЕНЕДЖМЕНТ В ОБРАЗОВАНИИ

Фуломов З.Т. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда инсон капитали сифатини оширишининг аҳамияти

МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ / СВЕДЕНИЯ ОБ АВТОРАХ

«Замонавий таълим» («Современное образование») журналари:

• Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2015 йил 20 мартдаги 214/2-сон қарори билан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган (13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ва 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича);

• **РИНЦ** маълумотлар базасига киритилган. – <https://www.elibrary.ru/contents.asp?titleid=69592>

• **CyberLeninka** илмий электрон кутубхона базасига киритилган. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/sovremennoe-obrazovanie-uzbekistan?i=1087840>

• Журнал Ўзбекистон илмий нашрлар ахборот тизими **UzScite**да жойлаштирилиб бормоқда. – <http://uzscite.uz/journals/sovremennoe-obrazovanie/>

Журнал **«Замонавий таълим» («Современное образование»):**

• постановлением Президиума ВАК Республики Узбекистан от 20 марта 2015 года № 214/2 включён в перечень научных изданий, рекомендованных для публикации основных научных результатов докторских диссертаций (по 13.00.00 – ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ и 19.00.00 – ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ);

• входит в базу данных **РИНЦ**. – <https://www.elibrary.ru/contents.asp?titleid=69592>

• входит в базу научной электронной библиотеки **CyberLeninka**. – <https://cyberleninka.ru/journal/n/sovremennoe-obrazovanie-uzbekistan?i=1087840>

• Журнал размещается в Информационной системе научных журналов Узбекистана **UzScite**. – <http://uzscite.uz/journals/sovremennoe-obrazovanie/>

Султанов Хайтбой Эралиевич,
Чирчиқ давлат педагогика институти "Тасвирий
санъат" кафедраси доценти

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЎҚУВЧИЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

УЎК: 37.013.46

DOI: 10.34920/SO/VOL_2022_ISSUE_9_7

СУЛТАНОВ Х.Э. ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ ЎҚУВЧИЛАР ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИГА ТАЪСИРИ

Мақолада ҳозирги глобаллашув даврида вужудга келаётган таълим тизимидаги муаммолар, ижодкорликнинг инсоният цивилизациясидаги ўрни, тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида STEAM таълимини татбиқ этишнинг аҳамияти асослаб берилган. Шу билан бирга – Тасвирий санъатнинг ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсири, «Арт-терапия»га йўналтирилган тасвирий санъат дарсларининг педагогика ва психология фанларлари интеграциясини амалга ошириш омили сифатида талқин қилинади. Ижодкорликка йўналтириш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятини шакллантириш, уларнинг таълим-тарбиясида ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги асосланади.

Таянч сўз ва тушунчалар: кластер ёндашуви, тасвирий санъат, STEAM таълими, устоз-шоғирд, ижодий муҳит, арт-терапия, ижодкорлик.

СУЛТАНОВ Х.Э. ВЛИЯНИЕ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНЫХ ИСКУССТВ НА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНО-ТВОРЧЕСКУЮ КОМПЕТЕНТНОСТЬ УЧАЩИЙСЯ

В статье обосновываются проблемы в системе образования, возникающие в эпоху глобализации, роль творчества в человеческой цивилизации, важность применения STEAM-образования как кластерного подхода в изобразительном искусстве. В то же время влияние изобразительного искусства на интеллектуально-творческий потенциал учащихся трактуется как фактор реализации интеграции педагогики и психологических наук занятий изобразительным искусством, ориентированных на «Арт-терапию». В его основе лежит возможность формирования интеллектуально-творческого потенциала учащихся и достижения положительных результатов в их обучении за счет направленности на творчество.

Ключевые слова и понятия: кластерный подход, изобразительное искусство, STEAM-образование, наставник-ученик, творческая среда, арт-терапия, креативность.

SULTANOV X.E. INFLUENCE OF FINE ARTS ON INTELLECTUAL AND CREATIVE COMPETENCE OF STUDENTS

Abstract: The article substantiates the problems in the education system that arise in the era of globalization, the role of creativity in human civilization, the importance of using STEAM education as a cluster approach in the visual arts. At the same time, the influence of fine arts on the intellectual and creative potential of students is interpreted as a factor in the implementation of the integration of pedagogy and the psychological sciences of fine art classes focused on «Art therapy». It is based on the possibility of forming the intellectual and creative potential of students and achieving positive results in their learning by focusing on creativity.

Key words and concepts: cluster approach, visual arts, STEAM education, mentor-student, creative environment, art therapy, creativity.

Кириш. Бугунги юксак технологиялар асрида ёшларнинг инновацион тафаккури, бозор иқтисоди талабаларига мос кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларнинг ахлоқий тарбияси, маънавий иммунитетини кучайтириш, дунёқараши, инсон онгининг олий кўриниши бўлган интеллектуал-ижодий имкониятларини ривожлантириш муаммоси кун сайин долзарблашиб бормоқда. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида Президентимиз бошчилигида барча соҳалар қаторида таълим тизимида узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, олий таълим тизимида тайёрланаётган мутахассис кадрлар сифатини ошириш, хусусан, тизимга ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини татбиқ этишга доир катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш¹ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг асосий мақсади сифатида белгиланган. Шу каби таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган ҳужжатларнинг барчасида соҳага инновацияларни киритиш, хорижий тажрибаларни ўзлаштириш, иждодий ёндашувларни қўллаб-қувватлаш, таълим турлари ўртасидаги интеграция жараёнларини кучайтириш билан боғлиқ умумий жиҳатлар мавжуд². Бу эса ўз-ўзидан узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг иждодкорлик қобилиятларини шакллантириш, бадиий тасаввурини ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни талаб қилади.

Илмий-тадқиқот ишлари қатори бадиий изланиш ҳам - иждодкорликдир, бу жараён инсоннинг қандайдир янгилик яратишга бўлган фаол ёндашувни ифодалайди ҳамда иждодий амалиёт жараёнида пишиб етилади. Иждодий амалиёт - бу одатий бир хилликдан воз кечиш ва ҳаётни янада қизиқарли, мазмунли қилиш имкониятидир. Бу машғулотлар мия фаолиятини ривожлантиради, бу эса барча соҳаларда инсон фаолиятининг янада самарали ва муваффақиятли бўлишига имкон беради.

Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили. Психологларнинг фикрича иждодкорлик - бу турли асбоблар ва эстетик қийматга эга бўлган ички сезгилар ёрдамида атрофдагиларнинг қизиқиши ва ўзининг шахсий ғоялари, тасаввур асосида бирон бир янгиликни эркин амалга оширишнинг ақлий жараёни. Тасаввур - бу меҳнат маҳсулотлари образини яратишда, шунингдек ноаниқлик билан тавсифланган муаммоли вазиятларда керакли хатти-ҳаракатлар дастурини яратишни таъминлайдиган шахсининг иждодий фаолиятининг зарур элементи ҳисобланади³. Бундан кўриниб турибдики, тасаввурсиз иждодкорликнинг ҳеч қандай қиймати қолмайди. Агар инсонда тасаввур бўлмаса у ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун ҳеч қандай ғояга эга эмас ва ҳеч қандай янгилик ҳам ярата олмайди.

Яна бир рус психологи Климов Е.А. тасаввурни шундай таърифлайди: Тасаввур - бу инсоннинг тажрибаси асосида яхлит шаклда кўз олдига келтириб, илгари сезилмаган ёки умуман мавжуд бўлмаган объектлар образини, тасаввурдаги ғояларини амалга ошириш ёки янгилик яратиш қобилияти (масалан, тарихдаги воқеалар, тахмин қилинган келажак, инсон идрок эта олмайдиган ёки эрталарнинг ғайритабиий қаҳрамонлари, афсоналар ва бошқалар каби борлиқда мавжуд бўлмаган ҳодисалар). Одамдаги тасаввурлаш, тасаввур қилиш, ғоя яратиш ва уларни амалга ошириш қобилияти моделлаштириш, режалаштириш, иждодкорлик, ўйин, хотира, фикрлаш каби руҳий жараёнларда муҳим роль

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5712-сон Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа иждодий уйи, 2017.

³ Общая психология: Учеб. для студентов пед. ин-тов /А. В. Петровский, А. В. Брушлинский, В. П. Зинченко и др.: Под ред. А. В. Петровского. -3-е изд., перераб. и доп. - М.: Просвещение, 1986. - 464 с., стр. 348.

ўйнайди¹. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, инсоннинг тасаввурини ривожлантириш – унинг келажагини яратиш демакдир.

Мақоланинг илмий моҳияти замонавий социологик ва психологик-педагогик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўз имкониятларини яхши билган, ижодий салоҳиятини англаган шахсда босиқлик, кенг мулоҳаза қилиш хислатлари пайдо бўлади. Ва бу инсоннинг ўзи учун ҳам, умуман жамият учун ҳам фойдали бўлиб, ҳеч бўлмаганда, ўз-ўзини такомиллаштириш йўлида келгусида жамият билан ҳамоҳанг ҳаракат қилиши учун инсоннинг ўзи ва бутун жамиятнинг қулай фаолияти учун зарур шартдир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун инсониятга айнан шундай чуқур мулоҳаза қиладиган, интеллектуал-бадий тасаввури, ижодий тафаккури кенг, мураккаб вазиятларда ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам қулай шарт-шароит ярата оладиган шахслар жуда зарур.

Глобаллашув билан боғлиқ бўлган замонавий жамият тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичида фаол иштирок эта оладиган интеллектуал-бадий салоҳиятга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш ва тайёрлаш муаммоси вазифаси – бугунги кунда таълим соҳаси учун жуда муҳим вазифа саналади. Замонавий дарс машғулотида ўқувчилар ҳар бир фан, керак бўлса ҳар бир мавзу борасида ҳодиса ва моҳиятни, сабаб ва оқибатни англаши, фан доирасида ва фанлараро ўзаро боғланиш, муносабат ва мувозанатларни тушуниши, таққослаш, солиштириш ва мантикий хулосалар чиқариш кўникмасига эга бўлиши лозим бўлади. Бу эса дарс машғулотининг қай даражада жиддий ва ўзига хос жиҳатлари бор ижодий жараён эканлигини кўрсатади².

Инсон фаолиятида барча соҳалар муҳим, шу жумладан, инсониятнинг ижтимоий, маданий, ҳатто иқтисодий ривожланишида ҳам тасвирий санъат алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ибтидоий жамоа тузумидан то ҳозирга қадар жаҳон цивилизацияси тараққиётида тасви-

рий санъатнинг муносиб ўрни бўлганлигини кўрамиз. Тарихий далиллар, маълумотларда қайд этилишича, деярли барча ихтиролар, асосан мусиқачилар, рассомлар, ёзувчилар ёки шоирлар томонидан ўйлаб топилган. Етук олимлар мана шу фанларни чуқур билар эдилар. Шоир ва адабиётшунос Галилей, скрипкачи, ихтирочи Эйнштейн, математик, буюк рассом Леонардо да Винчи, буюк фан ва маданият арбоби, механика, физика, химия, металлургия, астрономия, география, тилшунослик, поэзия билан бир қаторида рассом сифатида рус санъати тарихида ёрқин из қолдирган М.В.Ломоносов, морзе алфавити ихтирочиси ва портретчи рассом Сэмюэль Морзе, "Алиса мўъжизалар оламида" китобидаги иллюстрациялар муаллифи, рассом ва математика фанлари профессори Льюис Кэрролл, график рассом ва оптик физика олими, телескоп ихтирочиси Роберт Вильямс Вуд, рассом, инсулин кашфиётчиси, Нобел мукофоти соҳиби Фредерик Бантинг, пенициллин дориси ва санъатда "бактериялар рангасвири" деб номланган янги йўналишни кашф этган Александр Флеминг, квант физикаси ва "ню" жанридаги картиналар соҳиби, Нобел мукофоти лауреати Ричард Филипс Фейнман, Гелиобиология асосчиси, шоир, мусиқачи ва рассом Александр Чижевский, импоссибилизм (ёки импарт – ғайриоддий санъат), алгебра ва геометрия дарсликларида иллюстрациялар ишланган рассом, картиналари математика дунёсининг бир қисмига айланган олим Мауриц Корнелис Эшер, дифференциал геометрия ва топология йўналиши олими, Михаил Булгаков асарларига ишланган иллюстрациялари билан машҳур бўлган график рассом Анатолий Фоменколар айнан тасвирий санъатнинг ҳар хил жанрларида ижод қилиш билан бирга оламшумул кашфиётларни амалга оширишгани кўпчиликка маълум. Бу рўйхатни ҳали жуда кўп давом эттириш мумкин.

Ижод қилиш, яратишга қизиқиши бор инсонда тафаккур қилиш ва бадий тасаввури тарбияланади. Бундан ҳам кўриниб турибдики, илм-фан ютуқларида бадий ижодкорликнинг хизмати жуда катта. Азалдан интеллектуал-бадий ижоднинг билим олиш ва амалиёт ёндашуви доирасида вужудга келган жуфт-лиги фан ҳамда санъат соҳасидаги инсон ижодий фаолиятининг ўзига хос фарқларини

¹ Климов Е.А. Основы психологии: Учебник для вузов. – М.: Культура и спорт, ЮНИТИ, 1997. – 295 с. – 15 000 экз. экз. – ISBN 5-85178-051-7.

² Ғ.Муҳамедов, У.Хўжамқулов Ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатишнинг зарурати <https://diyorg24.uz/4888> расмий канали Diyorg24 Posted on April 29, 2020.

топишга қизиққан тадқиқотчиларнинг эътиборини тортиб келади. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъатни ўқитиш муаммолари бўйича изланишларида педагог олим С.О. Алексеева бугунги инновациялар асридаги замонавий илмий-техник тараққиёт ривожланиши шароитида ҳам "илм-фан, таълим, маданият ва санъатнинг ўрни тобора ортиб бормоқда¹ - деб таъкидлайди. Чунки, тасвирий санъат дарслари жараёнида болаларнинг атроф-борлиқ ҳақида олган илк таассуротлари аста-секин ривожланиб, табиат ва жамиятда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан бадиий тафаккури, ижодий тасавури, воқеликка нисбатан ҳиссий ёндашуви тарбияланади.

Тадқиқот объекти. Тадқиқот объекти сифатида узлуксиз таълим тизимида, хусусан, умумтаълим ва санъат мактабларида мавжуд муаммоларга кластер ёндашуви орқали ечим топиш белгиланди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, моделлаштириш, кузатиш, лойиҳа методларидан фойдаланилди.

Натижалар ва амалий мисоллар. Ҳозирги пайтда биз ёшларни ҳам ахборот хуружлари, ташқи маънавий таъсирлардан ҳимоя қилишимиз, ҳам келгусидаги инсоннинг ўзи ва жамият билан биргаликдаги фаолиятини кўнгилдагидек қура олиши учун улардаги интеллектуал-ижодий қобилиятларини тарбиялаб бормоғимиз лозим. Бу ўринда албатта, тасвирий санъатнинг имкониятларидан тўғри фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Бу фақат ота-она ёки ўқитувчига тегишли эмас, балки жамият ривожини учун масъулиятни ҳис қиладиган ҳар бир инсонга тааллуқли муаммо бўлиши керак. Барча соҳаларда бўлганидек тасвирий санъатни ўқитишда ҳам муаммолар етарли.

Тасвирий санъат таълимида кузатилаётган айрим муаммолар бевосита ота-оналарнинг фарзандларини мазкур фан билан жиддий шуғулланишларига эътиборсизлигидан ҳам келиб чиқади. Айниқса, фаннинг таъли-

мий ва тарбиявий, хусусан, бадиий интеллектуал ривожланишдаги аҳамиятига беписандлик билан боғлиқ, яъни кўплаб ота-оналар болалардаги "ижодкорлик"ка нисбатан - бу ўтиб кетадиган оддий қизиқиш ва бефойда машғулот деб ўйлашади. Умумтаълим мактабларида ҳам тасвирий санъат, мусиқа ва технология фанларига паст назар билан қараш шаклланиб қолган. Лекин, аслида ижодий машғулотлар ёши, касби ва менталитетидан қатъий назар, ҳамма учун бирдек фойдали. У кишини ортиқча босимлардан чалғитади, эътиборини маълум жараёнга йўналтиради, фикрлашга ундайди. Бу фанда ҳам ўз исботини топган. Кўпчилик олимлар томонидан ижодкорлик хусусиятлари миянинг ўнг ярим шари фаолияти билан боғлиқ аниқ тартиб интизомга асосланган амалиёт ёрдамида рағбатлантирилади ва мустаҳкамланади, деган тахминлар олдинга сурилади. Аммо, замонавий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ижодкорлик миянинг ярим шарлари, айниқса мия ярим шарлари олд қисми (пешана)нинг биргаликдаги фаолиятига кўпроқ боғлиқ экан. Агар биз энди туғилган фарзандимизни келгусида 30 йил, 50 йил кейинги ҳаётга тайёрлашимиз, уларнинг ўша пайтда жамиятда ўз ўрнини топиши, оиласининг тўқислиги, жамиятнинг ривожига ҳисса қўшадиган етук инсон даражасида кўришни истасак, унинг интеллектуал-маънавий хислатларини тарбиялашни тўғри йўлга қўйишимиз керак.

Баъзи ҳамкасбларимиз ёки ота-оналар буни тўғри тушунишини хоҳлардикки, биз барча ёшларимизни фақат рассом-ижодкор сифатида тарбиялаш фикридан йироқмиз. Асосий мақсадимиз, "Учинчи Ренессанс" учун пойдевор қурилаётган жараёнда ёшларимизнинг интеллектуал-бадиий салоҳиятини кучайтиришдан иборат. АҚШ ва Европада асосий таълим тенденциялардан бири сифатида ривожланаётган ва кўплаб мутахассислар томонидан келажак таълими деб эътироф этилаётган STEAM таълимидан кенг фойдаланилади. Бунинг натижаси эса ушбу давлатларда ишлаб чиқиладиган технологияларда ўз аксини топмоқда. Аслида фанларни интеграциялаш орқали иқтисодий ривожлантиришга қаратилган STEM атамаси пайдо бўлган эди. STEAM ва STEM ўртасидаги фарқ фақат битта А- Арт (санъат) ҳарфида, лекин

¹ Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/
<https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>

ёндашувдаги фарқ жуда катта! Агар ушбу қисқартмани ёйсақ, қуйидаги мазмун келиб чиқади: STEAM - бу ижодкорлик санъати машҳур STEM қисқартма иборанинг ривожланган кўриниши. - S - science ёки фан, T - technology яъни технология, E - engineering, англиз тилида муҳандислик деган маънони англатади. A - art, яъни, STEAM қисқартма иборанинг янги компоненти сифатида - санъат, яъни, мутлақо бошқа йўналишлар - рангасвир, архитектура, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва шеърят деб тушунилади ва M - math, фанларнинг маликаси - математика. Инглиз тилида бу шундай бўлади: табиий фанлар, технология, муҳандислик, санъат ва математика. Замонавий дунё тараққиётида ушбу йўналишлар жуда машҳур бўлиб, унга бўлган эътибор ошиб кетди.

Лойиҳалаш ишларида фанлараро боғлиқлик ва амалий ёндашув ёрдамида ўқитиш ғоясига асосланган кластер ёндашуви татбиқ этилиши билан фанлар ўртасида интеграция жараёни ўрнатилади ҳамда санъатнинг қўшилиши лойиҳа иштирокчилари имкониятини кенгайтиради. Бу ерда кучли техник ёки математик қобилиятга эга бўлмаган лекин бадиий интеллект кучли ёшлар гуруҳга эстетик жиҳатдан мукамал лойиҳани амалга оширишда ёрдам бериши мумкин.

Барчага маълумки, илк мактабгача бўлган даврдан ўсмирлик давригача болаларда тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари кучли бўлади. Айнан шу ёшларда бир ҳафтада ижодий жараёнга 40 дақиқагина ажратилиши, фан ўқитувчисига ҳам ўқувчига ҳам бир қатор қийинчиликларни туғдиради. Бунинг устига битта синфда 30 тадан қирқтагача ўқувчи борлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, ушбу ҳолатда ривожланган мамлакатлар таълим тизимига қанча вақтда етишимизни бемалол тахмин қилсак бўлади.

Хорижий ва маҳаллий тажрибаларнинг таҳлили, шунингдек, тасвирий санъат таълимнинг хусусияти умумтаълим мактабларида тасвирий санъат дарсларини битта синфни икки кичик гуруҳга бўлиб ўтиш амалиётини қўллаш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу таълим сифатини оширишга имкон беради. Инновациялар асрида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳалари тараққиёти учун тасвирий санъатни ўқитиш бўйича тавсия эти-

лаётган вариант ижодкор шахс тарбиясининг муҳим омилларидан бири сифатида аҳамиятлидир.

Ўқувчилар интеллектуал-ижодий салоҳиятига таъсирдан ташқари тасвирий санъат имкониятларидан тўғри фойдаланиш, "Арт-терапия" таълимини йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг руҳий ҳолатларини ҳам яхшилаш мумкин. «Арт-терапия» таълими воситасида ёшларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш, тушкунликка тушган ёки гиперҳаракатли болаларнинг ички муаммоларига нисбатан ижобий ечим топиш, болалардаги асабийликни, руҳий зўриқишни камайтириш, тинчлантириш, ҳар хил турдаги ички қўрқув (фобиялар)ни йўқотиш, ўзига ишонч уйғотиш, ўзини қадрлашга, бошқаларга нисбатан салбий муносабатларни ўзгартириш ва дўстона муносабатга ўргатиш мумкинлиги жуда кўплаб олимларнинг изланишларида ўз исботини топган муаммо ҳисобланади.

Хулоса. Умумтаълим мактабларида тасвирий санъат дарсларини битта синфни икки кичик гуруҳга бўлиб ўтиш амалиётини қўллаш ва STEAM таълимига асосланган фанлар интеграциясини йўлга қўйиш авваломбор ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий салоҳияти шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. «Арт-терапия»га йўналтирилган тасвирий санъат дарслари, педагогика ва психология фанларларининг интеграциясини амалга ошириш омили сифатида ўзининг албатта ижобий натижаларини беради.

Бундай ёндашув орқали:

- илк ёшлигиданоқ ижодкорлик ва инновацион янгиликка мойиллиги бор ўқувчиларнинг ижодий фаолияти рағбатлантирилади;

- илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилади;

- ҳамкорликдаги изланишлар орқали турли йўналишларда ижод қиладиган иштирокчилар ўртасидаги умумий мақсад ва ўзаро ҳурматга асосланган самимий муносабат шаклланади;

- ўз имкониятлари ва илмий-ижодий ишининг натижадорлигига ишонч ҳосил бўлади.

- тасвирий ва амалий санъат орқали ёшларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини ижобий томонга ўзгартириш, тушкунликка тушган

ёки гиперҳаракатли болаларнинг ички муаммоларига нисбатан ижобий ечим топишда кўмаклашиш мумкин;

– ижодий фаолият орқали болалардаги асабийликни, руҳий зўриқиши камайтириш, ҳар хил турдаги ички қўрқув (фобиялар)ни йўқотиш, кечиккан ривожланишни бартараф этилади;

– ўзига ишонч уйғотилади, ўзини қадрлашга, бошқаларга нисбатан салбий муносабатларни ўзгартириб ва дўстона муносабатга ўргатилади;

Таклифлар. Тадқиқотнинг хулосаларига таянган ҳолда қуйидаги амалий таклифларни келтириш мумкин:

– ўқувчиларнинг интеллектуал-ижодий салоҳиятининг шаклланишида ижобий натижаларга эришиш учун битта синфни икки кичик гуруҳга бўлиб ўтиш амалиётини қўллаш ва STEAM таълимига асосланган фанлар интеграциясини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

– тасвирий санъатда кластер ёндашуви сифатида STEAM таълимини татбиқ этиш тажрибаларидан таълимнинг барча соҳаларида фойдаланиш мумкин;

– бу мунозара кейинги тадқиқотларнинг бошланиш нуқтаси бўлиши мумкин деб ўйлаймиз ва ушбу мақолада кўтарилган муаммолар ечимини келажакдаги тадқиқотларда давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилашни сари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.
3. Общая психология: Учеб. для студентов пед. ин-тов /А. В. Петровский, А. В. Брушлинский, В. П. Зинченко и др.: Под ред. А. В. Петровского. -3-е изд., перераб. и доп. - М.: Просвещение, 1986. - 464 с., стр. 348.
4. Климов Е.А. Основы психологии: Учебник для вузов. - М.: Культура и спорт, ЮНИТИ, 1997. - 295 с. - 15 000 экз. экз. - ISBN 5-85178-051-7.
5. Ғ.Муҳамедов, У.Хўжамқулов Ёшларни ностандарт фикрлашга ўргатишнинг зарурати <https://diyor24.uz/4888> расмий канали Diyor24 Posted on April 29, 2020;
6. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида педагогик таълим инновацион кластернинг зарурияти /“Замонавий таълим” илмий-амалий оммабоп журнали// № 8, 2020. -16- 23 б.
7. Алексеева С.О. Проблемы обучения изобразительному искусству в общеобразовательной школе/ <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-obucheniya-izobrazitelnomu-iskusstvu-v-obscheobrazovatelnoy-shkole/viewer>.
8. K.E.Sultanov. Cluster Approach in Fine Art Education as a Factor for Improving the Educational System /International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding// Volume 9, Issue 2 February, 2022 Pages: 585-593 2022;
9. Doston Abduvoitovich Berdiyev Maktablarda tasviriy san'at fanini o'qitishda kelajak ta'limi steam interaktiv ta'limini rivojlantirish / «Science and Education» Scientific Journal/ ISSN 2181-0842 February 2022// Volume 3 Issue 2 Pages: 687-690;
10. Laylo Mirsoatova Use of innovative methods in the development of students' creative abilities / Current research journal of pedagogics (ISSN -2767-3278) volume 03 issue 01Pages: 45-49;

11. Sultanov H.E. Tasviriy sanat mashg'ulotlarida talabalarning izhodiylarini rivojlantirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish // Zamonaviy ta'lim / №11, 2016. - 61 b.;

12. Sultanov X.E. The use of innovative technologies in the lessons of fine arts for the development of creative abilities of students / Scientific-practical, popular journal of modern education // T. №11 2016. B. - 59-65;

13. S.K. Eralievich, M.I. Mukhamatsultonovna, B.I. Saidazimovich, A.R. Turgunovich, The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education / International Journal of Psychosocial Rehabilitation // Том 24 №5 -2020: стр. 6586-6591;

14. S.S. Tursunmurotovich, S.X. Eraliyevich, I.U. Shuhratovich, Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books / International Journal of Psychosocial Rehabilitation // Том 24 №5 -2020: -стр. 3526-3533;

15. Eralievich, S. K., Tursunmurotovich, S. S., & Mukhamatsultonovna, M. I. (2020). Theoretical basis of cluster approach in fine arts education. Journal of Critical Reviews, 7(9), 108-111;

16. Sultanov Kh.E. Innovation technology clusters use of technology in illustration / International Journal of Psychosocial Rehabilitation // - Vol. 24, Issue 04, 2020 ISSN: 1475-7192: 3877;

17. Eraliyevich, S. H. (2021). Shaping Students' Spiritual Worldviews Through Fine Arts. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 79-86.;

18. Sultanov N.E., Marasulova I.M., Yunusova K.H. Training cluster cooperation and preliminary results / 2th International Multidisciplinary Scientific Conference on Ingenious Global Thoughts Hosted from Berlin, Germany // April 30th 2021: p 224-228;

19. Sultanov Kh. E., Khudaiberdiyev P. U., Sobirov S. T. Lifelong education in Uzbekistan as a requirement of the time / Pedagogy «Young Scientist» // No. 4 (138). 2017. P.388.

20. Султанов Х.Э., Турсунбоева М.О. "Талабалар ижодиёти" клуби фаолиятининг таълим кластери ҳамкорлигидаги аҳамияти // Academic research in educational sciences. - 2021. - Т. 2. - №. CSPI conference 1. - С. 255-260.

21. Sultanov Kh.E., Pak V.Sh., Kukiev B.B. The use of new information and communication technologies in the lessons of fine arts // "Young scientist", scientific journal, No. 4 2016. P. 833; (831-833 bethlarda chop etyilgan).

22. Sultanov X.E. Development of creative abilities of students in the system of continuing education (on the example of fine arts lessons). // "Modern education" popular science magazine, №4, 2016. p14.

23. Saodat Makhkamova Bakhtiyarovna. (2021). Questions of preparing future teachers for artistic gafur abdurakhmanov analysis of works of fine art in school. Euro-Asia Conferences, 5(1), 13-18.

24. Султанов Х.Э., Пак В.Ш., Кукиев Б.Б. Использование новых информационных коммуникативных технологий на уроках изобразительного искусства // "Молодой учёный", научный журнал, №4 2016. С. 833;

25. Султанов Х.Э. Узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш (таълирий санъат дарслари мисолида). // "Замонавий таълим" илмий-оммабоп журнали, №4, 2016. -14 б.

26. Sultanov Kh.E., Marasulova I.M., Bakhriev I.S. Ankabaev R..T. The Need for Creation of a Cluster of Pedagogical Innovations in the System of Continuous Education / International Journal of Psychosocial Rehabilitation // Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7192: -P.6586-6591.